

Йўлсозларнинг Қашқадарёдаги фаолияти



Қашқадарё вилоятида автомобиль йўллари кўнгиладигдек сақлаш, уларни таъмирлаш ва қайта қуриш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада эса "Ўзавтойўл" АКнинг вилоятдаги бўлинмаси жамоаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Вилоят худудидан ўтган 18,4 минг километр узунликдаги автомобиль йўлларининг сифати ва ҳолати - корхона мутахассисларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Бу йўлларнинг 15 минг километрдан зиёди – ички хўжалик йўллари бўлса, 3427 км қисми – умумий фойдаланувдаги, шу жумладан, унинг 425 км қисми – халқаро, 890 км қисми – давлат, қолган 2112 км қисми эса – маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари ҳисобланади.



Қаршидан Шаҳрисабз, Термиз, Самарқанд ёки Бухоро томонларга, яъни вилоятни мамлакатнинг кўшни минтақалари билан боғлайдиган йўллардан ўтсангиз, мустақиллик йилларида автомобиль йўлларимизни халқаро талабларга мослаштириш мақсадида қилинган ишларнинг нечоғли улуғворлигига ўзингиз ҳам гувоҳ бўлишингиз мумкин.



- Мутахассисларимиз бугунги кунда вилоятдаги автомобиль йўллари тубдан янгилаш бўйича қизгин иш олиб боришмоқда, - дейди "Қашқадарёавтойўл" корхонаси бош мутахассиси Бўри Файзиев. – Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят ҳудудидаги 16,2 км автомобиль йўли қайта қурилди. Автомобиль йўллари капитал қуриш, мукамал таъмирлаш ва реконструкция қилиш дастури доирасида эса худди шу даврда 11 км узунликдаги автомобиль йўли таъмирланиб, йўловчилар учун фойдаланишга топширилди.

Дарҳақиқат, йўлларимизнинг ҳолати йилдан-йилга яхшиланиб, равонлашиб бормоқда. Бунга сабаблардан бири сифатида – йўл қурилиши соҳасига замонавий усул ва технологияларнинг жорий этилаётганини ҳам киритиш мумкин.



Йўллар – йилнинг тўрт фаслида ҳам доимий эътибор ва меҳнат талаб қиладиган иқтисоднинг қон томирлари ҳисобланади. Бугунги кунда қишки мавсумда ҳам йўллардаги

транспорт қатнови хавфсизлиги ҳамда узлуксизлигини таъминлаш йўлидаги тадбирлар олиб борилмоқда. Бу мақсадда йўлларни текшириш ва уларнинг устки қатламини таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, эскирган йўл белгиларини янгилаш, йўл бўйларини мустаҳкамлаш ва кўприкларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати